O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONASI
INV.№

Қонун - ҳам қилич, ҳам қалқондир!

ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚИЙ, ИЖТИМОИЙ–ОММАБОП ҲАФТАЛИК ГАЗЕТАСИ

1996 йил 30 январдан чиқа бошлаган | 2000 йил 21 ноябр, сешанба | № 47 (199) | Сотувда эркин нархда

ФАРЗАНД – УМР ЧИРОҒИ

...Мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, аввало она ўзи ва боласининг соғлигига эътибор бериши зарур. Акс ҳолда...

4-БЕТ

ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ

Учинчи мақола

Адлия ва қонун ҳимоясида

СОЛИҚЧИЛАР ТАДБИРКОРДАН ОРТИҚЧА ҲУЖЖАТЛАР ТАЛАБ ҚИЛИШАДИ

Қашқадарё вилояти туман (шаҳар) давлат солиқ инспекцияларида тадбиркорлик субъектларини ҳисобга олиш, уларга идентификация рақами беришда ортиқча ҳужжатлар талаб қилинганлиги аниқланди. Жумладан, Деҳқонобод тумани ДСИ "Баракат" фермер хўжалигини ҳисобга олиш ва идентификация рақами беришда ҳокимлик ҳузуридаги фермер хўжаликларини ташкил этиш комиссиясининг хулосаси, "Иқбол" хусусий фирмасидан рўйхатдан ўтиш учун йиғим тўланганлиги тўғрисидаги тўлов қоғози, "Жума бобо" фермер хўжалигидан эса жамоа ширкат хўжалигининг ер бериши тўғрисидаги хулосаси далолатномаси олинган.

Бу ерда ДСИ томонидан ҳисобга олинган 141 та хўжалик юритувчи субъектлардан давлат рўйхатидан ўтганлигини реестридан кўчирма олиш тартиби нотўғри жорий қилинган.

Қарши тумани ДСИда "Тошқул бобо" фермер хўжалигидан ер балл бонитети тўғрисидаги маълумотнома, ҳокимликнинг ер ажратиш тўғрисидаги қарори, ер бериш тўғрисидаги далолатнома, туман комиссияси хулосаси, ер харитаси нусхалари, "Маҳмуд бобо" фермер хўжалигидан эса ер ажратиш тўғрисида туман ҳокимининг қарори, ажратилган ернинг харитаси ортиқча талаб қилинган, ҳатто ноқонуний тарзда имзо йиғиш тартиби жорий этилган бўлиб, ўнлаб бўлимдан қўл қўйдиришни амалиётга киритишган.

Косон тумани ДСИ "Али бобо", "Жума бобо" ва "Жаҳон" фермер хўжаликларидан маҳаллий йиғимлар тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат; фермер хўжалиги тузиш ва ер ажратиш ҳақида туман комиссияси хулосаси; фермер хўжалиги умумий йиғилиши қарори; ширкат хўжалигининг ер ажратиш хулосаси; йиғини қарори; ер майдони харитаси каби ортиқча ҳужжатлар талаб қилган. Бу ерда "Дўстлик", "Феруза - НА" хусусий фирмаларидан йиғим тўлови қоғози, таъсисчилар йиғилиши қарори, "Нурбек" хусусий фирмасидан йиғим тўлови қоғози, пенсия жамғармасига аъзолик маълумотномаси олинган. З.Норқулова, Д.Ғаниев, Ш.Турсунқулов каби тадбиркорлардан маҳаллий йиғим тўлови нусхаси, ҳокимият комиссияси баённомаси, яшаш жойидан маълумотномалар сўралган.

Китоб тумани ДСИ "Файз", "Эъзоз" ва бошқа корхоналарни ҳисобга олишда маҳаллий йиғимлар тўлов қоғози ҳисобот қабул қилишда "КешФармация" хусусий фирмасидан раҳбарнинг тушунтириш хати; маҳсулот ишлаб чиқариш, иш, хизмат харажатлари тўғрисида ҳисобот, фондлар ҳаракати, асосий воситалар ва уларнинг ҳаракати, ишловчилар, экспорт ва импорт тўғрисида ортиқча маълумотлар талаб қилишган.

АСОССИЗ ТЕКШИР-ТЕКШИРЛАР

Вилоят ДСИ бошқармаси фаолиятида кичик ва ўрта бизнес субъектларини назоратчи органлар томонидан текширишга рухсат беришда асос ва қонунийлик етарлича ўрганилмаслик мавжуд. Оқибатда...

Баҳористон тумани ДСИси "Ибн Сино" хусусий дорихонасида 2000 йил май ойида 1 марта, (комплекс) феврал ва июл ойларида 2 марта назорат тартибида текширув ўтказган. Бундан ташқари июнда СЭС, июлда ёнғиндан сақлаш бошқармаси назорат тартибда текширган. Ваҳоланки, 1999 йил июнида ДСИ томонидан хусусий дорихона комплекс тартибида текширилган бўлган. Бу ерда "Помук" хусусий фирмаси 1999 йил сентябрида ДСИ томонидан комплекс текширилганига қарамасдан, 2000 йилнинг май ойида яна феврал ва август ойларида назорат тартибида текширилган. Бундан ташқари, май ойида назорат тартибида СЭС томонидан ҳам текширилган.

"Ойбек" фирмаси 1999 йил октябрида ДСИ томонидан текширилган бўлса-да, 2000 йил май ойида комплекс, феврал ва август ойларида назорат тартибида, яна июлда ёнғиндан сақлаш бошқармаси томонидан текширувга жалб қилинган.

Чироқчи тумани "Жавоҳир" фирмаси ДСИ томонидан 2000 йил майида бир, биринчи чоракда ва сентябрда яна назорат тартибида текширилган.

Деҳқонобод тумани "Жўрабек" хусусий АЁҚШ 1999 йилда 3 марта назорат тартибида текширилган ҳамда 2000 йилнинг январ ойида ДСИ ва банк томонидан, феврал ойида вилоят Давлат солиқ бошқармаси ва май ойида СЭС томонидан яна текширишга жалб қилинган.

Муборак туман СЭСи 19 та хўжалик юритувчи субъектда 2000 йил 1, 2 ва 3-чоракда текширув ўтказган бўлсада, 2000 йилнинг 4-чорагида айнан шу субъектларда тақроран текширишга рухсат сўраган.

Табиатни муҳофаза қилиш Қашқадарё вилояти бўлимига 1999 йил 4-чорагида 69 та банкни текширишга рухсат берилган. Бундай текширув сабаблари умуман ўрганилмаган.

Вилоят ИИБнинг ёнғиндан сақлаш бошқармаси 2000 йил 3-чорагида бир йўла 987 та корхонани назорат тартибида текширишга рухсат сўраган ва ҳудудий комиссия масалани ўрганмасдан текширишга рухсат берган.

СОЛИҚЧИ ТАДБИРКОРНИ ЖАВОБГАР ҚИЛИШДА ХАТОГА ЙЎЛ ҚЎЙДИ

Қарши туман ДСИси "Насаф" 4-сон савдо дўконида текшириш ўтказиб, камчилик тополмай, тўрт тур маҳсулот нарх ёрлиқлари кўринарли даражада қўйилмаган деган баҳона билан дўкон сотувчиси Н.Саидқуловани асоссиз равишда 3500 сўм маъмурий жарима жазосига тортган.

Қарши шаҳар ДСИси томонидан Д.Очилова савдо дўконида текширув ўтказилиб, "ХОН" ва "КАРВОН" тамаки маҳсулотларига нарх ёрлиғини ёзмаган деган баҳонада тадбиркорни 1750 сўм маъмурий жарима жазосига тортган. Ваҳоланки, маҳсулот энди олиб келиниб, ҳатто савдога қўйилмаган бўлган.

Қарши туман ДСИ ходимлари "Оқ йўл" хусусий фирмасига қарашли АЁҚШда текшириш ўтказиб, тақсимотчи Р.Холиқов харидор Ш.Файзуллаевга 20 литр ўрнига 19 литр бензин қуйиб, ҳақидан 90 сўм ушлаб қолгани учун 7000 сўм маъмурий жарима жазосига тортган. 1 литр бензин учун АЁҚШ омборхонаси ва бино эшиклари муҳрлаб ташланган.

Республика Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексининг 287, 290-моддаларида солиқ органлари томонидан далилий ашёларни олиш, маъмурий йўл билан ушлаб туриш тартиби белгиланган ҳолда солиқ инспекциялари уни қўпол тарзда бузиб, далилий ашёларни олишда ваколат доирасидан чиққан. Масалан, Шаҳрисабз туман ДСИ бошлиғининг қарори билан Э.Шоимов деган тадбиркор жарима жазосига тортилган ва 2 дона гилам далилий ашё сифатида олинган. Солиқ инспекцияси инспектори Т.Пардаев ваколат доирасидан четга чиқиб, қонунда кўзда тутилмаса-да, далилий ашёни 1 ойга яқин муддатдан сўнг эгасига қайтариб берган.

Нишон туман ДСИ ходимлари Т.Бўриев ўз автомашинасида лицензиясиз транспорт хизмати кўрсатганлиги ҳақида далолатнома тузган ва автомашина ҳужжатлари олиб қўйилган. ДСИ бошлиғининг қарори билан Т.Бўриев маъмурий жарима (5250 сўм) жазосига тортилган ва далилий ашё — автомашина ҳужжатлари эгасига қайтариб берилган. Ваҳоланки, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекснинг 176-модда 1-қисмига кўра далилий ашё сифатида нарсаларни олиш кўзда тутилмаган. Шаҳрисабз ДСИси бошлиғининг қарори билан М.Сафаров маъмурий жазога тортилган пайтда далилий ашё сифатида 3 дона стол ва 12 дона стуллар олинган.

Қарши шаҳар ДСИ ходимлари О.Камилов деган шахс рўйхатдан ўтмасдан савдо фаолияти билан шуғулланган учун 294 минг сўмлик 24 дона телпакни далилий ашё сифатида олишган. Солиқ инспекцияси бошлиғи ўз қарори билан О.Комиловни асоссиз равишда маъмурий жарима (3500 сўм) жазосига тортган. Ваҳоланки, О.Комиловда шаҳар ҳокимлигидан берилган тадбиркорлик билан шуғулланиш гувоҳномаси ва солиқ инспекциясининг қайд гувоҳномаси (амал муддати 31.12.2000 йилгача) бўлган.

Худди шундай Китоб туманида 16 та, Қарши туманида 8 та, Қарши шаҳрида 22 та, Нишон туманида 15 та ва Деҳқонобод туманида 6 та маъмурий материаллар бўйича солиқ инспекциялари томонидан қонунбузилишларига йўл қўйилган ва тадбиркорларнинг ҳуқуқлари қўпол равишда бузилган.

Қарши шаҳар ДСИ бошлиғининг қарори билан тадбиркор М.Боймирзаева ноқонуний савдо-сотиқ билан шуғулланган учун 8750 сўм молиявий жазога тортилган ва далилий ашё сифатида 51380 сўмлик товарлари олинган. Сўнг маъмурий материал судга юборилиб, М.Боймирзаева яна 8750 сўм маъмурий жазога тортилган, олинган товарлари мусодара қилинган. Бир қилмиш учун тадбиркор икки марта жазоланган.

Шаҳрисабз туман ДСИ ходимлари Қаҳрамон Ҳайдаровни ҳеч қандай ҳужжатсиз ва рухсатсиз транспорт хизмати кўрсатиш учун автомашина ҳужжатларини олиб қўйишган.

ДСИ бошлиғи эса ўз қарори билан Ҳайдаровни маъмурий жазога, иккинчи қарори билан 8750 сўм молиявий жарима жазосига тортган. Ваҳоланки, Қ.Ҳайдаровнинг йўловчи ташиш тўғрисида гувоҳномаси (амал қилиш муддати 31.12.2000 йилгача) бўлиб, бу ҳужжатларга солиқ инспекцияси эътибор бермаган.

Бу ерда С.Жўраев деган шахс ҳужжатсиз, рухсат этилмаган жойда савдо-сотиқ фаолияти билан шуғулланганлиги учун далолатнома тузилган ва 2 дона гилам далилий ашё сифатида олинган. Ҳатто С.Жўраевдан тушунтириш хати олинмай, у 3500 сўм жаримага тортилган.

Солиқ идораларига тааллуқли маъмурий материалларни ИИБ ДАН ходимлари томонидан тегишли ваколатга эга бўлмасдан туриб, расмийлаштириш ҳолатлари учради.

Қарши шаҳар ИИБ ДАН бўлими бошлиғи А.Абдуллаев якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан ноқонуний шуғулланган фуқароларга нисбатан маъмурий материалларни тўплаш билан шуғулланган, бундай ваколат давлат автомобил назорати бўлимига берилмаган. Жумладан, тадбиркор Т.Неъматов рухсатномасиз транспорт хизмати кўрсатаётгани учун ушланиб, ҳайдовчилик гувоҳномаси олиб қўйилган, материал шаҳар ДСИсига чора кўриш учун юборилган. Аслида Неъматовда якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтгани тўғрисида гувоҳнома, шаҳар Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси аъзоси эканлигини тасдиқловчи гувоҳнома ҳамда ҳар ой даромад солиғи тўлаганлиги ҳақида патталар бўлган. Лекин ДСИ бошлиғи Т.Неъматовни асоссиз равишда 1750 сўм маъмурий жаримага тортган, ДАН ходимлари томонидан йўл қўйилган қонунбузарликнинг олдини олиш ўрнига тадбиркорни асоссиз жавобгарликка тортган.

Қарши туман ДАН ходимлари томонидан фуқаро М.Ваҳобовни рухсатсиз аҳолига пуллик транспорт хизмати кўрсатган, деган асоссиз айбнома билан гувоҳномаси ва автомашина ҳужжатлари олиб қўйилган ҳамда маъмурий материал туман ДСИсига юборилган. Айблов асоссизлиги исботланса-да, орада ДАН бўлими ходимларининг ноқонуний ҳаракатлари оқибатида тадбиркор 20 кун ўз фаолияти билан шуғулланолмаган. Худди шундай муносабат тадбиркор С.Ҳайдаровга (40 кун) ва Ш.Ҳайдаровга (28 кун) нисбатан ҳам қўлланилган. Фақат Қарши шаҳар ДАН бўлимида шу турдаги 67 та материал тузилган.

АУДИТОРЛИК ТЕКШИРУВЛАРИНИНГ БАРЧАСИГА ТАДБИРКОР ТЎЛАЙДИМИ?

Қашқадарёда амалдаги қонун талабларига зид равишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан хўжалик юритувчи субъектларда тайинланган аудиторлик текширувлари учун харажатларни текширилаётган корхоналарнинг ўзларидан тўлаттиришни одат қилишибди.

Жумладан, вилоятдаги "Қалқон" аудит-консалтинг масъулияти чекланган жамияти 2000 йил давомида вилоят прокуратураси қарорларига асосан 5 та хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширувдан ўтказиб, 2 та текшириш ўтказилган ташкилот ҳисобидан аудиторлик фирмасига 100 минг сўм пул ўтказиб берилган.

Ички ишлар идоралари топшириқлари асосида ҳам аудиторлик фирмасининг аудиторлик текширувлари учун барча харажатлар текширилган корхоналар ҳисобидан қопланган. Жумладан, Қамаши туман ИИБ тергов бўлимининг алоқа хатига асосан "Момиқ" ҳиссадорлик жамиятида тафтиш ўтказилиб, унинг ҳисоб рақамидан 90 минг сўм аудиторлик ташкилотига ўтказиб берилган.

Вилоят ИИБ хатига асосан якка тартибдаги тадбиркор С.Салимовнинг молиявий фаолияти тафтиш қилиниб, шартномага асосан 10 минг сўм тадбиркорнинг ҳисоб рақамидан "Қалқон" аудит-консалтинг масъулияти чекланган жамиятига ўтказиб берилган.

Шунга ўхшаш қонунбузилишлар бошқа кўплаб аудиторлик фирмалари фаолиятида учрайди. Бу билан Ўзбекистон Республикасининг "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги қонуни билан мустаҳкамланган тамойил — унинг мустақиллиги бузилмоқда.

(Давоми 2- бетда)

Газетада босилмаса ҳам...

МАҲКУМ ҲИБСДАН БЎШАТИЛДИ

"Ҳаёт ва қонун" юридик журнали ҳамда "Инсон ва қонун" ҳуқуқ газетаси Бирлашган таҳририяти Бош муҳарририга

Сизнинг Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раиси У.Қ.Мингбоевга ҳамда Адлия Вазири А.А.Полвон-зода номига ёзган хатингиз асосида қаттақўрғонлик Р.Ёрқуловга нисбатан жиноят иши ўрганиб чиқилди.

Дастлабки тергов органи ва суд томонидан йўл қўйилган процессуал хатолар аниқланиб, вилоят суди Раёсатининг қарори билан Каттақўрғон шаҳар судининг Р.Ёрқуловга нисбатан чиқарган ҳукми бекор қилинди. Суднинг ҳукми бекор қилинганлиги муносабати билан Р.Ёрқулов ҳибсдан бўшатилди.

Бу ҳақда Сизга ариза билан мурожаат қилган Ш.Ёрқуловага маълум қилинди.

С.ТУРСУНОВ,
Самарқанд вилоят судининг раиси

Ижтимоий ҳимоя

ЯХШИЛИКДАН ЯХШИЛИК УНАДИ

Саховат, меҳр-муҳаббат, мухтожларга мурувват, хайр-эҳсон каби азалий қадриятлар — аньаналаримиз мустақиллик туфайли қонунларимизга кўчди. Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилди. 1992 йилдан то шу кунгача Президентимиз томонидан пенсия ва нафақалар миқдорини ошириш тўғрисида 30 дан зиёд Фармон қабул қилинди.

Бухоро вилояти ижтимоий таъминот бошқармасининг бошлиғи Саиджон ВАҲОБОВ билан бўлган суҳбат Вазирлар Маҳкамасининг "2000-2005 йилларда ёлғиз кексаларни, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги беш йилга мўлжалланган дастурий Қарорининг бажарилиши ҳақида кечди.

- Ҳар қандай давлатнинг куч-қудрати, инсонпарварлик йўли ўз фуқароларини ижтимоий ҳимоялашдаги аниқ тадбирлар билан ўлчанади. Назаримда, мамлакатимизда бу борада бошланган ва амалга оширилган ишлар кўламини аниқ ҳис этиш учун Фармон ва қарорларни диққат билан ўрганишга тўғри келади.

- Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган машҳур беш тамойилнинг бири бозор иқтисодиётига ўтиш даврида аҳолининг кенг қатламларига ғамхўрлик қилиш, кучли ижтимоий ҳимояни йўлга қўйишда акс этади. Ёки Юртбошимизнинг: "Бу ҳаётда бева-бечораларга ёрдам берган, одамлар оғирини енгил қилган инсон ўзини бахтиёр санашга албатта, ҳақлидир" деган сўзларини эсланг. Ёш давлатимиз илк қадамлариданоқ ўз фуқароларининг тақдири, яшаш тарзига бўлакча бир меҳр, диққат-эътибор қаратган эди.

Юқорида эслаганимиз Вазирлар Маҳкамасининг 520-сонли Қарори ижтимоий таъминот тизимининг барча йўналиш ва режаларини мужассамлаштирган ҳақиқий дастур, ҳаракат мезонидир. Шулардан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, 9585 нафар фуқарога ўн кун муддатда янгидан пенсия ва 1238 фуқарога эса ижтимоий нафақа тайинланди. 9 ойда талаб қилинган 7,1 млрд. сўм маблағ тўлиқ молиялаштирилди, тўловлар ойма-ой амалга оширилди ва яна муҳим тадбирлар - пенсия масалалари билан шуғулланувчи масъул шахслар билан ишлаш, пенсия ва нафақа қонунчилигини фуқароларга тушунтириш ишларини мунтазам йўлга қўйдик. Корхона, ташкилот, жамоа хўжаликларида семинар, ўқув машғулотлари, савол-жавоб кечалари ўтказилаяпти. Бошқарма мутахассислари туман, шаҳар ижтимоий таъминот бўлимларида 105 ишчи куни бўлиб, уларга амалий ёрдам кўрсатдилар. Соҳа ходимлари малакасини оширишга қаратилган қатор тадбирлар белгиланди ва бугунда ижроси таъминланди.

- Янги миқдордаги тўловлар ҳақида нималар дея оласиз?

- 2000 йилнинг 1 августидан бошлаб, пенсиялар, ижтимоий нафақалар янги миқдорларда тўланиши таъминланди. Бу борадаги ишларимиз Президентимизнинг 2000 йил 23 июлдаги "Иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва ижтимоий нафақа миқдорини ошириш тўғрисида"ги Фармонига асосан амалга оширилиб, 155242 нафар пенсия ва ижтимоий нафақа олувчиларнинг пенсия ва нафақа миқдори қисқа муддатларда қайта ҳисоблаб чиқилди. Ўртача пенсия миқдори 4301 сўмдан 7107 сўмгача, 1 ойлик харажатлар эса 709,0 млн. сўмдан 1,1 млрд. сўмгача, яъни 1,484 бараварга ошди.

(Давоми 4-бетда)

"Бир макон бу - Ургут аталмиш..."

Самарқандниг Ургут тумани улғвор тоғлар бағрида жойлашган. Айрим манбаларда айтилишича, "Ургут" сўзи "Уркент" - "оч-яланғоч жой" деган маънони англатади. Аммо ургутликлар азалдан ишбилармон, тадбиркор ҳисобланишади. Якка тартибдаги тадбиркорлик, хусусан, савдо-сотиқнинг ҳар қандай кўринишига иллат сифатида қаралган собиқ Шўро тузуми даврида ҳам қанчалик қийин бўлмасин, ургутлик савдогарлар дунё кезардилар, одамларни сифатли моллар билан таъминлаб, бунинг натижасида фаровонроқ яшашга интилар эдилар.

2-бет



(Боши 1-бетда)

ТАДБИРКОР БИЛАН ШАРТНОМАВИЙ МУНОСАБАТГА КИРИШИШДА УНИНГ МАНФААТИ ИККИНЧИ ЎРИНДАМИ?

2000 йил 31 июлда "Шаҳрисабз вино-ароқ" ҳиссадорлик жамияти билан Шаҳрисабз туман Мўминобод қишлоғилик Ш.Позилов ўртасида 40 тонна олма маҳсулоти 480 минг сўмга тузилган шартномада томонларнинг мулкий жавобгарлиги ҳамда шартнома юзасидан мажбуриятлари қайд қилинмаган.

Нишон туман "МТП" давлат акциядорлик жамиятининг "Янгиев Бекмурод" фермер хўжалиги билан тузган шартномасида (748820 сўмга) на умумий сумма, на муддат қайд қилинмаган.

Қарши "Тижорат бозор" очиқ ҳиссадорлик жамиятининг "Дунё-М" акциядорлик жамияти билан 20 тонна аралаш озуқа сотиб олиш тўғрисида тузган шартномада умумий баҳоси, Қарши шаҳар "Матлуботсавдо" акциядорлик жамияти билан тузган газлама сотиб олиш тўғрисидаги шартномасида мулкий жавобгарлик, ҳуқуқ ва мажбуриятлар, шартнома юзасидан келиб чиқадиган низоларни бартараф қилиш тартиблари белгиланмаган, шартнома бўйича юридик хулоса олинмаган.

Косон тумани "МТП" давлат акциядорлик жамияти билан Косон "Бўрдоқичилик" фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартнома бўйича фермер хўжалиги 362799 сўм пул маблағини ўтказиб беришига қарамасдан, "МТП" фермер хўжалигига хизмат кўрсатмаган. 2000 йил 11 январ куни МТП билан Косон туман деҳқон фермерлар вакиллик уюшмаси ўртасида тузилган шартнома бўйича уюшма 1767500 сўм пул маблағи ўтказиб берган, лекин МТП ҳеч қандай хизмат кўрсатмаган. МТПнинг "Сўғдиёна" фермер хўжалиги билан тузган шартномаси бўйича ҳам 202588 сўм пул олинган, аммо хизмат кўрсатилмаган.

Косон туманининг "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги Косон пахта тозалаш заводи билан тузган 1999 йил 13 ноябрдаги 17-сонли контрактация шартномасида хизмат кўрсатувчи банклар реквизитлари кўрсатилмаган. Шунингдек, "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги 2000 йил 5 июнда "Сирож" номли фермер хўжалиги билан тузган шартномасида ширкат сотиб олувчи сифатида кўрсатилган ва олди-сотди шартномасининг баҳоси 2 миллион сўм қилиб белгиланган. Лекин шартномада нима сотилаётганлиги аниқланмаган.

Шунингдек, "Шарқ юлдузи" ширкат хўжалиги мева-шарбат боғдорчилик, узумчилик ва виночилик бирлашмаси билан мевали кўчат сотиб олиш тўғрисидаги шартномасида кўчат навлари, ҳисоб-китоб тартиби кўрсатилмаган, тарафларнинг жавобгарлиги нотўғри кўрсатилган.

Деҳқонобод туманидаги "Деҳқонобод" ширкат хўжалиги "Келес жун" корхонаси билан 1999 йил 12 декабрда жун сотиш бўйича тузилган шартномада етказиб бериладиган жуннинг миқдори кўрсатилмаган. Мева-шарбат боғдорчилик узум ва вино ишлаб чиқариш корпорацияси билан кўчат олиш тўғрисидаги шартномада эса кўчатлар сони кўрсатилмаган.

Шуларга ўхшаш шартномалар қонунга зид тузилган бўлсада, маҳсулот тайёрлаш ва сифати бўйича давлат назорати инспекцияси томонидан рўйхатга олинаверган.

Вилоятдаги хизмат кўрсатувчи корхоналар ва тайёрлов идоралари шартномалар бўйича ижро интизомини қониқарли бажармаяпти.

Хусусан, Косон туман "МТП" давлат акциядорлик жамияти билан Косон "Бўрдоқичилик" фермер хўжалиги ўртасида тузилган шартнома бўйича фермер хўжалиги 362799 сўм пул маблағини ўтказиб беришига қарамасдан, "МТП" фермер хўжалигига хизмат кўрсатмаган. 2000 йил 11 январ куни МТП билан Косон туман деҳқон фермерлар вакиллик уюшмаси ўртасида тузилган шартнома бўйича уюшма 1767500 сўм пул маблағи ўтказиб берган, лекин МТП ҳеч қандай хизмат кўрсатмаган. МТПнинг "Сўғдиёна" фермер хўжалиги билан тузган шартномаси бўйича ҳам 202588 сўм пул олинган, аммо хизмат кўрсатилмаган.

ТАДБИРКОРГА ТЎҒАНОҚ

Косон тумани МТПга "Бўрдоқичилик" фермер хўжалиги шартномага мувофиқ 362799 сўм маблағ ўтказиб берган бўлса-да, МТП томонидан фермер хўжалигига умуман техника хизмати кўрсатилмаган. Шу каби мисолларни вилоят туманлари бўйича кўплаб келтириш мумкин.

Деҳқонобод тумани "Дўстлик" фермер хўжалиги "Дунё" акциядорлик жамияти билан 10 тонна омухта ем маҳсулотини етказиб беришга шартнома тузган. Фермер хўжалиги бир маротабада 2 тонна омухта ем олган, иккинчи марта келганида эса жамият фонд (лимит) тугади, деб маҳсулот бермаган. Фермер ушбу омухта емини олиш учун янгидан шартнома тузишга мажбур бўлган.

Деҳқонобод тумани "Деҳқонобод", "Оқробод", Шаҳрисабз тумани Б.Фозилов номли хўжаликлар билан туман Пилла ҳиссадорлик жамияти топширилган пилла учун якуний ҳисоб-китоб қилинмаган.

Шаҳрисабз тумани "Хайрулла жўра" фермер хўжалиги консерва заводи билан шартнома тузган ва бажарган, аммо 1999 йили Шаҳрисабз консерва заводи ўз вақтида хўжаликка тегишли пулни ўтказмагани учун фермер хўжалиги солиқларни ўз вақтида тўлай олмаган ва натижада солиқ органлари томонидан унга 10.000 сўм жарима солинган.

Касби туманидаги 66 та фермер хўжалиги томонидан 2000 йил ҳосилидан давлат эҳтиёжи учун 209716 минг сўмлик 4033 тонна пахта хом ашёси сотиш бўйича шартнома тузилган. Унинг шартларига кўра пахта йиғим-теримига қадар 104858 минг сўмлик аванс фермер хўжаликларига тўланиши лозим бўлган. Аммо бу мажбурият 32329 минг сўмдан ошмаган, яъни 15,4 фоиз бажарилган холос.

Деҳқонобод туман "Дон маҳсулотлари қабул қилиш" жамоа корхонаси фермерлар билан 238.5 тонна маҳсулот учун 5734 минг сўмлик шартномалар тузган, улар бўйича берилиши лозим бўлган 2867 минг сўм аванс ўрнига 1761 минг сўм берилган, холос.

2000 йил 16 февралда "Шаҳрисабз консерва заводи" акциядорлик жамияти билан Шаҳрисабз туман "Кеш" акциядорлик жамияти ўртасида 600 тонна помидор, 10 тонна олма етиштириш бўйича 6090 минг сўмлик контрактация шартномаси тузилган, шундан 1522 минг сўм аванс (бўнак) суммаси ўрнига 155 минг сўм берилган, холос.

"Шаҳрисабз консерва" акциядорлик жамиятининг "Ҳисор" жамоа ширкат хўжалиги билан 1950 минг сўмга тузган шартномаси ҳамда Яккабоғ туман "Яккабоғ" жамоа ширкат хўжалиги билан 20800 минг сўмга тузган шартномалари бўйича аванс суммаси мутлақо тўланмасдан келинган.

Контрактация шартномаларини маҳсулот тайёрлаш ва сифати бўйича давлат назорати инспекцияси томонидан рўйхатдан ўтказишда белгиланган тартибга риоя қилмаслик ҳоллари мавжуд. Масалан, "Қарши агросаноат" очиқ акциядорлик жамиятининг маҳсулот етиштириш бўйича контрактация шартномалари инспекция томонидан кечиктирилиб, давлат рўйхатидан ўтказилган. Масалан, Нишон тумани инспекцияси "Ширинобод" фермер хўжалиги билан "Қарши агросаноат" акциядорлик жамиятлари ўртасидаги контрактация шартномасини 51 кун, Қарши тумани инспекцияси "Ўзбекистон мустақиллиги" жамоа ширкат хўжалиги билан "Қарши агросаноат" акциядорлик жамиятлари ўртасидаги контрактация шартномасини 22 кун, Қарши туман "Насаф" жамоа хўжалиги билан тузилган 15-сонли контрактация шартномасини 29 кун кечикиб рўйхатдан ўтказилган.

Деҳқонобод тумани "Тайёрлов савдо" акциядорлик жамияти билан Бозортепа жамоа ширкат хўжалиги ўртасида 10 тонна сабзавот, 20 тонна полиз, 5 тонна мева, 100 та майда мол териси учун тузилган контрактация шартномаси ҳатто рўйхатдан ўтказилмаган.

Худди шундай Китоб туман "Китоб бозор" очиқ ҳиссадорлик жамияти билан "Асал" пайчилик жамияти ўртасидаги контрактация шартномасини, "Шаҳрисабз вино-ароқ" ҳиссадорлик жамияти томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотлари харид қилиш тўғрисида тузилган 34 та 42523200 сўмлик контрактация шартномаларини ҳатто рўйхатдан ўтказмаган бўлиб чиқди.

Вилоятда пудратчиларга ер участкалари бериш далолатномасини расмийлаштириш тартиби жиддий бузилаётганлиги ҳам тадбиркор, фермер фаолиятига салбий таъсир кўрсатаётган бўлиб чиқди.

Қарши туман "Намуна" ширкат хўжалигида шартнома ва далолатнома ягона ҳужжат сифатида тузилган. Шунингдек, пудратчиларга ер далолатнома асосида берилиши ва у мустақил ҳужжат ҳисобланишига қарамай, Шаҳрисабз, Косон, Китоб, Деҳқонобод туманлари ширкат хўжаликларида далолатнома пудрат шартномасига илова тарзида тузилган.

Қарши туман "Намуна", Деҳқонобод тумани "Деҳқонобод", Косон тумани "Шарқ юлдузи", "Улуғбек", Шаҳрисабз тумани "Гулистон" ва "Амир Темур" номли хўжаликларда айрим пудрат шартномаларига тарафлар томонидан ёки пудратчининг оила (жамоа) аъзолари томонидан ҳатто имзо қўйдирилмаган.

"Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида"ги Қонуннинг 21-моддаси талаблари қўпол тарзда бузилиши ҳоллари мавжуд. Китоб тумани Карамат Рустамова номли ширкат хўжалигида пудрат шартномалари 5 йилга тузилган ва ҳар йили (1999 йил ва 2000 йилларда) маҳсулот етиштириш бўйича кўрсаткичлар киритилган. Бироқ тарафларнинг имзоси йўқ. Аслида пудрат шартномалари 1 йилга тузилиши лозим.

Жойларда чек дафтарчасини юритиш тартиби ва талаблари ҳамма пудратчиларга етказилган эмас. Масалан, Шаҳрисабз тумани "Гулистон", "Амир Темур", Қарши тумани "Намуна", Деҳқонобод тумани "Деҳқонобод" ва "Оқробод", Косон тумани "Улуғбек" ва "Шарқ юлдузи" ширкат хўжаликларида пудратчилар чек дафтарчаси юритишнинг мақсад ва зарурияти тўғрисида ҳатто тушунчага ҳам эга эмас. Шу боис бу ерда пудрат шартномалари пудратчининг манфаатини кўзламасдан тузилишига олиб келаяпти.

Шаҳрисабз тумани "Амир Темур" ширкат хўжалигида оила пудратини ташкил этиш тамойиллари ва тартибига зид иш тутилгани боис чек дафтарчалари юритилишида хато ва шартнома мажбуриятларининг ширкат хўжалиги томонидан бажарилмаслиги аниқланди. Масалан, Б.Тошгемиров 15 га майдонда режадаги 60 тонна ўрнига 106 тонна ғалла етиштирган. Шартномага кўра ҳосилдорлик 30 центнерга оширилса, ортиқча ғалланинг 25 фоизи натура, 25 фоизи пул тариқасида мукофот берилиши лозим эди. Лекин хўжалик томонидан шартнома шартлари бузилиб, мукофот берилмаган ва иш ҳақи ҳам тўлиқ тўланмаган. Мукофот тариқасида берилиши лозим бўлган ғалла ўрнига, хўжалик раиси томонидан уни 40 сўмдан сотиб олиш таклиф қилинган.

Хуллас, Қашқадарё вилоятида юқорида эътиборингизга ҳавола этилган ва бошқа "катта-кичик" тўсиқлар тадбиркорлик, фермерлик, якка тартибда хусусий ишбилармонликлар ривожига ўз салбий таъсирини кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтамиз. Шу билан бирга, ўқувчи бундай аҳвол нафақат Қашқадарёда эканлигини англаб олмоғи керак. Биз фақат улар мисолида, ўзгалар учун ҳам сабоқ бўлишини назарда тутиб, ушбу фактларни оммалаштираяпмиз.

Қайд этамизки, ушбу ва бошқа фактлар юзасидан Адлия вазирлиги ва унинг органлари томонидан қатъий чоралар кўрилди. Ноқонуний ишларга барҳам берилди. Айбдорлар чорасиз қолмади. Бузилган ва путур етган манфаатлар тикланиши чоралари кўрилди, кўрилмоқда.

Улар республика ҳукумати ва вилоят ҳокими эътиборига ҳавола этилган.

Файзулла ҚИЛИЧЕВ,

Ўзбекистон Республикаси ихтисослаштирилган давлат акционерлик тижорат "Асака банк"и Жиззах вилоят бўлими жамоаси 135 та фермерга, 140 та хусусий тадбиркорга, 320 та кичик ва ўрта бизнес билан шуғулланувчиларга хизмат кўрсатиб келмоқда.

Вилоятнинг Зарбдор туманида фермер хўжаликлари кўплигини ҳисобга олиб, ҳозир у ерда митти банк очишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Суратда: (ўнгдан) "Асака банк" ҳуқуқшуноси Ўрол Эргашев, кредит бериш бўлими бошлиғи Марат Суннатов, хусусий тадбиркор Жаҳонгир Бердибековлар ўзаро мулоқотда.

ЭЛГА ХИЗМАТ - ОЛИЙ ҲИММАТ



Жиззах вилоят "Автотеххизмат" акционерлик ҳудудий жамияти "ДЭУ" автомобилларига хизмат қиладиган ускуналар билан жиҳозланган. "Асака банк" билан доимий ҳамкорликда иш олиб борилади. Банкнинг пул қабул қилиш пункти ҳар доим ишлаб турибди. Банк томонидан имкониятли кредитлар берилаяпти. Ўзаро тузилган шартномалар эса уч банк иш кунида бажарилаяпти.

Суратда: кузов таъмирлаш устаси Фурқат Исоқов иш устида.

Нурмамат АЛМУРОДОВ олган суратлар

Мухбиримиз сафардан қайтди

"Бир макон бу – Ургут аталмиш..."

Республика нашрларига обуна айни қизғин паллага киргани боис, аввало туманда газета ва журналимизга обунани жонлантириш, баҳонада бу жойнинг халқи, раҳбарлари билан бироз суҳбатлашиш мақсадида Ургутга йўл олдик.

Маълумки, бугун мустақиллик шарофати билан ургутлик савдогарларни, ҳунармандларни дунёнинг турли чеккаларида энди кўпроқ учратиш мумкин. Ургут шаҳридаги "Жаҳон бозори"га турли мамлакатларда ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг деярли ҳаммасини маҳаллий савдогарларнинг ўзлари келтиришган. Бу юртнинг ҳунармандлари ишлаб чиқарган маҳсулотлар ҳам ўзининг сифатлилиги билан ажралиб туради. Улар яратган турли уй-рўзғор буюмлари ва бошқа моллар анча арзон. Тиниб-тинчимаслик, изланиш, ишбилармонлик натижаси ўлароқ, туман аҳолисининг аксарияти бугунги ҳаётдан нолимайди. Бу жойнинг одамлари учун боқимандалик кайфияти азалдан ёт ҳисобланади. Фақат юқоридан ёрдам ёки кўрсатма кутиб яшашга одатланишмаган. Биргина мисол: туманда ўнлаб масжидлар ҳашар йўли билан, одамларнинг ўз маблағи ҳисобига қурилди. Мактаб ва бошқа муассасалар ҳам қурилмоқда, таъмирланмоқда. Аҳолиси 20 мингдан ошган Ғўс каби қишлоқлар аҳли табиий газ келтириш учун ҳашарга чиқишган. Ушбу қишлоқ жойлашган биргина "Ўзбекистон" жамоа хўжалигида бозор (бир кишининг маблағи ҳисобига), 4та масжид (аҳоли маблағи ҳисобидан) қурилди. Йўлларни таъмирлаш давом этаётир. Жамоанинг янги раҳбари Мурод Баракаев раҳбарлигида хўжалик аҳли яна кўп савобли ишларни амалга ошириш ниятида. Ҳар ким имконига яраша бундай хайрли ишлар учун ўз маблағини ҳам аямаяпти.

360 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қиладиган Ургутда тамакичилик, узумчилик яхши ривожланган. Деҳқончиликнинг ушбу турлари туман даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Бир кило тамаки учун бу ерда фаолият кўрсатаётган "ЎзБАТ" қўшма корхонаси деҳқонларга 480 кг гача уринишлар кўплаб бўлиб туради. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, кўрилаётган чораларга қарамай Ургутда гиёҳвандликнинг таъсири анча катта. Кўпроқ ёшларни ўз домига тортаётган бу оғу айримларни хароб қилишга ҳам улгурди. Нашавандлар соғлигидан, бойлик, обрў-эътиборидан, инсоний қиёфасидан, ҳатто айримлари жонидан айрилди. Уни истеъмол қилувчиларнинг оиласида тинчлик йўқ. Бир марталик "доза" учун хотини, бола-чақасининг кийимларини чиқариб, сотаётганлар ҳам бор.

Аёнки, содир этилган жиноятни очиш, айбдорларга жазо беришдан кўра, унинг олдини олиш самаралидир. Буни яхши англаган туман прокуратураси ходимлари маҳаллалар қўмиталари ва бошқа муассасалар билан ҳамкорликда жойларга чиқиб, тарғибот-ташвиқот ишларини олиб бормоқдалар. Масалан, гиёҳвандликнинг нечоғлик зарарли иллат эканлигини аҳолига, айниқса, ёшларга тушунтириш учун бир қатор тадбирлар ўтказилиб турилибди.

Энди прокуратура тақдим этган гиёҳвандлик билан боғлиқ айрим маълумотларни айтиб ўтамиз. 2000 йилнинг 8 ойи давомида гиёҳвандлик билан боғлиқ 112 та жиноят содир этилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 48 тага кўпайган. Шу жумладан, гиёҳвандлик моддаларини ўтказиш ва сотиш жинояти 51 тага етган. Бу ҳам ўтган йилга қараганда 22 тага кўпдир. Ургут тумани ҳудудини 12 та оператив зоналарга бўлиб, "Қоратори - 2000" тадбири ўтказилди. Тадбир давомида ҳовлилар ва тоғлар кўздан кечирилганда 3та гиёҳванд ўсимликлар экиш ҳолати аниқланган. Гиёҳвандликка қарши кураш самараси ўлароқ, 8 ой мобайнида 22 кг 208 грамм қўкнори ширасси, 3 кг 977 грамм героин, 1 кг 956 грамм марихуана моддалари далилий ашё сифатида олинган. Жиноятга дахлдорлар тегишли жазоларга тортилди ва тортилмоқда. Бироқ, шунча жиноят очилиб, айбдорларнинг қўлга тушаётгани билан туманда гиёҳванд моддалар истеъмол қилувчиларнинг сони камаймаяпти. Фикримизча, бу масала биргина туман мутасаддиларининг ҳаракати билан ҳал бўлмайди. Тожикистон билан туташган туман чегараларини янада мустаҳкамлаш керак. Энг асосийси, одамлар, айниқса ёшлар онгига гиёҳвандликнинг турган-битгани зарар эканлигини, у инсон ҳаётига "нуқта" қўйишини қандай қилиб бўлмасин, сингдириш лозим. Умуман гиёҳванд моддаларни қўлига ушламайдиган одам ҳам бу фожиага ўзининг фожиаси сифатида қараши шарт.

Бугун терроризм, диний экстремизмга қарши кураш ҳар қачонгидан ҳам долзарбдир. Туман прокуратураси бошқа органлар билан ҳамкорликда бу борада ҳам самарали иш олиб бормоқда. Олиб борилаётган тарғибот-ташвиқотларнинг натижасида одамлар турли диний экстремистик оқимларнинг мақсадларини, ушбу гуруҳлар фаолиятининг асл моҳиятини чуқур англамоқдалар. Турли гуруҳларга кириб қолганларни аниқлаш борасида ҳам тадбирлар ўтказилмоқда. Масалан, шу йилнинг 8 июлида ўтказилган тадбир натижасида бир кишининг уйидан 10 хил диний экстремистик руҳдаги адабиётлар топилди. Прокуратура фаолиятига оид бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ўзбекистон ҳозирда аграр мамлакат эканлиги маълум. Шунинг учун ҳукуматимиз қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилишга алоҳида эътибор билан қарамоқда. Бу соҳада тадбиркорликни ривожлантириш юртимиз истиқболининг омилларидандир. Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ҳам қишлоқ хўжалигига янгиликлар олиб киришга кўмаклашиш умидида тузилган. Керакли пайтда деҳқонлар, фермерларни иқтисодий қўллаб-қувватлаш, уларга мададкор бўлиш, ҳақ-ҳуқуқларини талаб қилиш ва ҳимоялаш бу уюшма зиммасидаги вазифалардандир.

Уюшманинг Ургут туман вакиллигида бўлиб, директор ўринбосари Исмоил Раҳматов билан учрашдик. Маълумотларга қараганда вакиллик таркибида 116 та фермер хўжаликлари мавжуд бўлиб, уларнинг 21 таси юридик шахс мақомига эга. Бу хўжаликларнинг 21 таси чорвачилик, 4 таси боғдорчилик, 91 таси деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштирмоқда. Фермер хўжаликларига вакиллик томонидан имкон қадар ёрдам берилмоқда. Шу йилнинг ўтган даврида фермер хўжаликларига 45 тонна омухта ем, 9,6 тонна ёнилғи-мойлаш материаллари, 109,4 тонна минерал ўғит етказиб берилди. Ўз навбатида фермер хўжаликлари ҳам 280,8 минг сўмнинг ўзини аъзолик бадали сифатида тўладилар.

Бироқ муаммолар ҳам бор. 1999-2000 йиллар давомида кўпчилик хўжаликларга кредит берилмаган. Ҳолбуки, маблағга муҳтож хўжаликлар кўп. Вакилликдагилар бу ҳолни Республика Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси ёки унинг вилоятдаги бўлимидан маблағ ажратилмагани билан боғлашади. Бунга эътироз йўқ. Аммо айнан ана шундай муаммоларни туманнинг ўзида ҳам ҳал қилиш мумкин. Бунга шу нуқтаи назардан ёндашиш керакки, қисқа ёки узоқ муддатли кредитларсиз фермер хўжаликларида ижобий натижаларга эришиш қийин. Яна бир мулоҳаза. Вакиллик ҳали бирор маротаба ҳам деҳқон ёки фермерларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қиладиган уюшма вакиллигининг XXI асрни шундай бинода кутиб олиши яхши эмас.

Барибир, вакилликнинг бундан буёнги амалга оширмоқчи бўлган режалари хусусида эшитганимизда кўнглимиз бироз кўтарилди. Айрим хўжаликлар бошлиқларини тажриба орттириш учун Германия каби мамлакатларга юборишмоқчи, фермерларга кредит ажратиш ишига келгусида устувор вазифа сифатида қарашмоқчи ва ҳоказо. Тўғри-да, халқимиз фаровонлиги, давлатимиз қудрати бевосита қишлоқ хўжалиги, яна ҳам аниқроқ айтадиган бўлсак, деҳқончилик тараққиётига боғлиқ.

Оммавий ахборот воситаларининг одамлар онгига таъсири катта эканлиги ҳаммага маълум. Ҳозирда мамлакатимизда чоп этилаётган турли номдаги газета ва журналларда бугунги куннинг долзарб масалалари, муаммолари баҳолиқудрат ёритилмоқда. Уларнинг ечимлари хусусида етакчи мутахассислар, олимлар, раҳбарларнинг фикр-мулоҳазалари берилмоқда. Аҳолининг ҳуқуқий онгини кўтариш масаласига давлат, Президентимиз ҳуқуқий демократик жамият қуришнинг муҳим омили сифатида қараморқда. Бунга эса ҳуқуқий билимларсиз эришиб бўлмайди. Қолаверса, кўпгина муаммолар айрим одамларда ҳуқуқий саводнинг йўқлигига, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари ва бурчларини яхши билмасликларига бориб тақалади. Биз тумандаги барча ташкилот, корхоналарда бўлганимизда раҳбарлар билан шу хусусида ҳам суҳбатлашдик. Айнан ана шундай суҳбатлар давомида турли поғоналардаги раҳбарларнинг матбуот, унинг айниқса, бугунги давр учун аҳамияти хусусидаги қарашларини сал бўлса-да, ўзгартирдик десак, муболаға бўлмайди. Суҳбатдан сўнг прокурор ўринбосари Фарҳод Абдухолиқов ҳам, Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси туман вакиллиги директори ўринбосари Исмоил Раҳматов ҳам газета ва журналимизга камида 100 донадан обуна қилишга ёрдамлашишга ваъда беришди. Аҳоли сони жиҳатидан мамлакатда етакчи ўринлардан бирида турувчи туман учун бу арзимас миқдор бўлса ҳам, шунисига-да шукр, ваъдага вафо қилинса – нур устига аъло нур.

Туман суди раиси Аҳмад Ҳусенов, ИИБ бошлиғи Толиб Шаропов, Давлат солиқ инспекцияси бошлиғи Ражаббой Азиммуродов, Қишлоқ ва сув хўжалиги бўлимидагилар, нотариал идорасидан Бекмурод Маҳмудов кабилар ҳам "Инсон ва қонун" газетаси ҳамда "Ҳаёт ва қонун" журнали жуда ҳам керакли нашр эканлигини, унинг 2001 йил учун обунасини кўнгилдагидек ўтказишга барча имкониятларини ишга солишларини айтишди. Албатта, ҳар иккала нашримизнинг ҳам ҳуқуқий демократик жамият қуриш йўлидан бораётган Ўзбекистонимиз аҳли учун нечоғлик керак эканлигини яхши англаймиз. Ҳуқуқий демократик жамиятни эса матбуотсиз, хусусан, ҳуқуқий нашрларсиз тасаввур этиб бўлмайди. Фақат юқорида номлари тилга олинган муҳтарам раҳбарларнинг матбуотга муносабатлари биз борган пайтдагидек, балки ундан ҳам яхшироқ бўлса бўлгани. Бунга ишонгимиз келади.

Рўзибой САИДОВ

Суратда: *Деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси Ургут туман вакиллигида навбатдаги йиғилиш.*

АУДИТОРЛИК ТАДБИРКОРЛИКДИР

Бизнинг мусоҳаба

Аҳолида янги қонунларни билиб, ўрганиб олишга иштиёқ кундан-кунга ўсиб бормоқда. Бу қувонарли, албатта. Чунки иқтисодий ислоҳотларни бошидан кечираётган мустақил республикамизнинг ҳар бир фуқароси қонунларни мукаммал эгаллаб, унга амал қилгандагина ҳуқуқий демократик давлат, адолатли фуқаролик жамияти тезроқ барпо этилади. Жумладан, янги таҳрирдаги "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонуннинг амалга киритилганига икки ой бўлди. Одамларда мазкур ҳуқуқий ҳужжатни ўрганиб олишга бўлган қизиқишнинг яна бир жиҳати - аудиторлик фаолияти қонунда тадбиркорлик фаолияти деб белгиланган. Бизнинг Самарқанд вилояти ҳокимлиги адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари Хайриддин ФАЙЗИЕВ билан суҳбатимиз мазкур Қонун ва унинг амалиётдаги ўрни хусусида бўлди.

- Аввало, Қонуннинг янги таҳрирда қайтадан қабул қилиниш сабабларига қисқача тўхталсангиз. У аввалги Қонундан қайси жиҳатлари билан фарқ қилади?

- 1992 йил 9 декабрда қабул қилинган "Аудиторлик фаолияти тўғрисида"ги Қонун ўша пайтгача мавжуд бўлган назоратгафтиш (КРУ) идораларини йўқ қилиб, уларнинг ўрнида жаҳон миқёсида тан олинган мустақил, холисона хизмат кўрсатувчи аудит тизимини яратиш ва бу орқали хўжалик юритувчи субъектларнинг молиявий-хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувларга чек қўйишни кўзлаган эди. Шу ўринда мен "Инсон ва қонун" газетасининг 18 июл сонида Республика Адлия вазирлиги Қонунчилик бошқармасининг бошлиғи Шуҳрат Чўллиевнинг "Қонун ва шарҳ" рукни остида чоп этилган "Аудитор — иқтисодиёт мутахассиси" сарлавҳали мақоласида ушбу саволга батафсилроқ жавоб қайтарганлигини эслатиб, айрим ўринларгагина тўхталишни истардим. Яъни 1992 йил қабул қилинган Қонун нормал ишлаб кетишига қуйидаги ҳолатлар халал берганди.

Биринчидан, назоратгафтиш бўлимлари тугатилгач, деярли барча тармоқлардаги ўрта бўғин идоралар фаолият кўрсатиб келган тафтишчилар ҳисобига ўзларининг аудиторлик фирмаларини тузишга эришдилар. Иккинчидан, тармоқларда тузилган мана шундай аудит ташкилотлари фақатгина номи ўзгариб, эскича иш услубини сақлаб қолдилар. Учинчидан, расман қонунда хўжалик юритаётган субъектнинг аудиторни танлаш ҳуқуқи белгилаб қўйилганлигига қарамасдан, аслида улар шундай ҳуқуқдан фойдалана олмадилар. Чунки тармоқларда ташкил этилган аудит ташкилотларнинг ўз соҳаларида монополистик фаолият юритишига имкон яратилди.

Бундан ташқари, аудит ташкилотларининг таркибига таъсисчи сифатида юқори турувчи идораларнинг ҳам кириб олиши аудиторлик фирмаларининг бошқарув тизимига катта путур етказди. Бунинг натижасида Қонуннинг 10-моддасида кўрсатиб қўйилган аудиторлик хизмати кўрсатиш мижоз билан аудит фирмаси ўртасидаги шартномага асосан йўлга қўйилиши тўғрисидаги ҳуқуқий норма амалиётда ўзининг ҳақиқий ўрнини топа олмади. Негаки, аудит текширувчилари кўп ҳолларда режали тартибда юқоридан тайинланиши, шартнома эса номигагина расмийлаштирилиб қўйилиши ҳоллари кўплаб кузатилди. Мана шундай ҳолатлар кейинги пайтда ҳақли эътирозларга сабаб бўлиб, Қонунни янада такомиллаштириш зарурияти мавжудлигини кўрсатди.

Янги таҳрирдаги Қонун 29 моддадан иборат бўлиб, унда аудиторлик фаолиятига оид қоидалар жуда ихчам ва равон тарзда баён қилинган. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқий мақоми аниқ доирада белгилаб берилган. Мазкур ташкилотларнинг ҳуқуқлари билан бирга мажбуриятлари қаторидан хўжалик юритувчи субъектларга ушбу Қонун билан берилган ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятлар ҳам кўрсатилган. Шунингдек, Қонунга бир қатор янги прогрессив ҳуқуқий нормалар киритилганки, улар шубҳасиз мавжуд хато-камчиликларни бартараф этиб, бутунлай янги аудит тизимининг жорий этилишига хизмат қилади.

Янги таҳрирдаги Қонунга назар ташлайдиган бўлсак, бундан буён фақатгина малака сертификатига эга бўлган жисмоний шахслар аудиторликка даъвогар бўлиши мумкинлигини кўрамиз. Ана шундай ҳужжатга эга мутахассис икки ҳолатда: агарда аудиторлик ташкилотида штатда турган бўлса ёки у билан ҳуқуқий тусдаги шартнома тузгани ҳолда аудиторлик текшируви ўтказишига қўйилиши мумкин.

Аудиторлик ташкилот бўлиб, аудиторлик фаолиятини амалга оширишга ҳуқуқ берувчи лицензияга эга бўлган юридик шахс ҳисобланади. Шундай ташкилотларни вазирликлар, давлат ҳокимияти идоралари ҳамда бошқа давлат ва хўжалик бошқарув органлари тузишлари мумкин эмаслиги Қонуннинг 5-моддасида аниқ мустаҳкамлаб қўйилди. Бу аудиторлик ташкилотларининг мустақиллигини таъминлашга қаратилган муҳим қадамдир. Қонун талабига кўра, аудиторлик ташкилотлари очиқ акциядорлик жамияти кўринишидан ташқари қонун ҳужжатларида назарда тутилган исталган ташкилий-ҳуқуқий шаклда тузилиши мумкин. Бунда албатта, қонунда кўрсатилган қоидаларга риоя этилган бўлиши шарт.

Янгиликлардан бири — фаолиятини ўзининг фуқаролик жавобгарлиги хусусидаги суғурта полиси асосида суғурталаган аудиторлик ташкилотигина хизмат кўрсатишга ҳақлилигидир. Бунга кўра, аудиторлик ташкилоти текширувни шартномага асосан сифатсиз ўтказганлиги ёки лозим даражада ўтказмаганлиги оқибатида шартнома бўйича иккинчи тарафга, яъни хўжалик юритувчи субъект, буюртмачига етказилган зарар, шу жумладан, бой берилган фойдани қоплаши зарур бўлади.

- Аудиторлик текширувлари мажбурий ва ташаббус шаклларида ўтказиларкан. Уларнинг бир-биридан фарқи қандай?

- Акциядорлик жамиятлари, банклар, кредит ташкилотлари, суғурта идоралари, инвестиция фондларида ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилиши керак. Бундан ташқари, юридик ва жисмоний шахсларнинг маблағларини жамлаб турувчи бошқа фондлар ҳамда уларнинг бошқарув компаниялари, манбалари юридик ва жисмоний шахсларнинг ихтиёрий бадаллари бўлмиш хайрия фондлари, бошқа ижтимоий фондлар маблағларининг ҳосил бўлиш манбалари қонун ҳужжатларида назарда тутилган, юридик ва жисмоний шахслар томонидан қилинадиган мажбурий ажратмалар бўлган бюджетдан ташқари фонди мавжуд жойларда ҳам шундай тартибда аудиторлик текширишлари ўтказилади. Шунингдек, устав фондида давлатга тегишли улуш бўлган хўжалик юритувчи субъектларда йилига бир марта мажбурий аудиторлик текширувлари ўтказилади.

Ташаббус тарзидаги аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъектнинг ёки бошқа буюртмачининг қарорига биноан аудиторлик ташкилоти билан тузиладиган шартномага асосан ўтказилади. Назорат қилувчи ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам аудиторлик текширувининг буюртмачиси бўлишлари мумкин. Бундай ҳолда юқорида қайд этилган органлар тегишли аудиторлик ташкилоти билан муайян хўжалик юритувчи субъектнинг молия-хўжалик фаолиятини аудиторлик текширувидан ўтказиш юзасидан шартнома тузишлари лозим бўлади. Унутмаслик керакки, аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича ишларга ҳақ тўлаш аудиторлик текширувини белгилаган орган ҳисобидан амалга оширилади.

Борди-ю, аудиторлик текшируви хўжалик юритувчи субъект қатнашчилари ёки назорат қилувчи ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари топшириғига биноан ўтказилаётган бўлса, аудиторлик ҳисоботи текширув топшириғига кўра, текширув ўтказилаётган юридик шахсга ҳам берилади. Мазкур ҳисоботдаги ахборот махфий ҳисобланиб, ошкор қилиниши мумкин эмас.

- Қонунда аудиторлик текшируви ўтказишдаги чекловчи нормалар ҳам кўрсатилган бўлса керак?

- Ҳа, шундай. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарлари ва бошқа мансабдор шахслари билан яқин қариндош бўлган, текширилаётган жойда мулкий ёки шахсий номулкий манфаатлари бўлган шахсга, текширилаётган хўжалик юритувчи субъект ходимига шунингдек, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ҳамда хўжалик бошқарув органларининг мансабдор шахсларига аудиторлик текшируви ўтказиш тақиқланади.

Бундан ташқари, ўз мулкдори, қатнашчиси, акциядори, кредитори, суғурталовчиси бўлган хўжалик юритувчи субъектларга ҳам худди шундай ҳолат Қонунда кўзда тутилган. Шунингдек, ушбу аудиторлик ташкилотлари ва аудиторлар уларга нисбатан мулкдор, қатнашчи, акциядор ҳисобланадиган хўжалик юритувчи субъектларга нисбатан, мулкдори, қатнашчиси, акциядори айни бир пайтнинг ўзида ушбу аудиторлик ташкилотининг мулкдори, қатнашчиси, акциядори бўлган хўжалик юритувчи субъектга нисбатан ҳам чекловчи норма кўзда тутилган. Шу каби аудиторлик текшируви қамраб оладиган даврда хўжалик юритувчи субъектга қонунда кўзда тутилган бошқа профессионал хизматлар кўрсатган аудиторлик ташкилотлари ва аудиторларга ҳам аудиторлик текширувини ўтказиш мумкин эмас.

- Янги таҳрирдаги Қонунда аудиторнинг ёрдамчиси деган янги тушунча киритилган экан. Шу хусусда ҳам тўхталиб ўтсангиз?

- Тўғри. Аудитор малака сертификатига эга бўлмаган ва аудиторлик ҳисоботида, хулосасида, аудиторнинг эксперт хулосасида ҳамда текширув ўтказиш билан боғлиқ бўлган бошқа расмий ҳужжатда имзо чекиш ҳуқуқига эга бўлмаган тарзда аудиторлик текширувида иштирок этадиган жисмоний шахс аудиторнинг ёрдамчиси ҳисобланади.

Умуман, мазкур Қонунни ҳаётга татбиқ этиш мақсадида шу йилнинг 22 сентябрида Вазирлар Маҳкамасининг 365-сонли Қарори қабул қилинди. Унга кўра, аудиторлик фаолиятини янада такомиллаштиришга қаратилган тегишли меъёрий ҳужжатлар тасдиқланди. Шубҳасиз, буларнинг ҳаммаси келажакка, мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қилади.

Суҳбатдош: Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Инсон ва қонун" мухбири

УМРНИ ХОР ҚИЛМАНГ

Гиёҳвандлик - аср вабоси

одамдек яшанг, - дейди суҳбатдошим Бухоро транспорт прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Собир УМАРОВ

Тирикликнинг оддий омили ҳисобланмиш меҳнат қилиш, дам олиш, ейиш, ичиш кабилар инсоннинг яшаш тарзини ташкил этади. Бир қарашда ушбу табиий воситалар устидан назорат шарт эмасдек туюлади, аслида ҳам шундай. Аммо...

Ким нима ейди-ю, нима ичади? Топган луқмасини қандай ҳазм қилади: ютаётган луқмаси бировнинг насибаси, орзу-умидлари, умрининг заволига айланмаяптими?

Мухбиримизнинг суҳбати айни шу мавзуда.

- Собир ака, ишонаманки, Сизларда мени қизиқтираётган саволларга етарли даражада далиллар мавжуд. Қайси поезддан, кимдан, қачон, қанча героин, марихуана, опий ушлангани ҳақидаги рақамларни айтиш Сиз учун мушкул бўлмаса керак. Лекин биз рақамларни эслашни кейинроққа қолдириб, суҳбатимизни "оқ ажал"нинг оқибатлари, унинг олди-сотдиси, иштирокчилари, ижрочиларидан бошласак.

- XX асрнинг вабоси, деб номланган гиёҳвандлик бутун дунё жамоатчилигини ташвишга солиб қўйди. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари" асарида: "Наркотик моддалар ишлаб чиқариш ва улар билан савдо қилиш, ушбу жиноий бизнес яратиб берадиган жуда катта бойлик орттириш имкониятлари унинг иштирокчиларини халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳам, миллий қонунлар мажмуи билан ҳам, айниқса, "оқ ажал"нинг ҳалокатли оқибатлари билан ҳам ҳисоблашмай, ҳамма ишни қилишга мажбур этмоқда" деб ёзган эдилар. Дунёнинг оқил, жонкуяр, нуфузли раҳбарлари гиёҳвандликка қарши очиқ, мардларча курашмоқдалар.

Бундай муҳим тадбирда прокуратура ходимларининг вазифаси аниқ белгиланган. Оғу ташиш, оғу сотишдек жиноий иш билан шуғулланаётганлар бировларнинг ширин умри, ҳаётига зомин бўлаётган тубан кимсалардир. Гиёҳвандлик миллат, ёш, жинс танламайди. Кимники домига илинтирса бас, ўша одам унинг қулига, адосига айланади.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг "Гиёҳвандликка қарши курашда прокурорлик назоратини кучайтириш тўғрисида"ги 48-сонли буйруғи ижросини таъминлашга бор куч ва эътиборимизни қаратганмиз.Бу борада анча-мунча натижаларга эришдик ҳам.

- Сизларга қарашли ҳудуд ҳақида ва фаолият давомида нималар билан шуғулланишга, асосий эътиборни кимларга қаратишга тўғри келади? Шулар тўғрисида айтсангиз.

- Бухоро транспорт прокуратураси Бухоро дирекцияси, Бухоро ва Навоий аэропортларида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан ҳамкорликда иш олиб боради. Жиноятчиликка, айниқса, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан боғлиқ жиноятларни очиш, тергов олиб бориш, гиёҳвандлик воситалари тарқатиладиган манбаларни, уларни тарқатадиган фуқароларни, айниқса, вояга етмаганларни гиёҳвандлик моддалари истеъмол қилишга жалб этувчи шахсларни ушлаш, гиёҳвандлик моддаларини тайёрлаш, сақлаш, жўнатиш, сотишда ташкилотчи, ижрочи ва иштирокчиларни аниқлашда бор чораларни қўллаяпмиз. Бухоро транспорт прокуратураси ва Бухоро транспорт ички ишлар бўлими терговчилари томонидан жорий йилнинг 9 ойида айблов хулосаси билан жами 93 та жиноят ишлари мазмунан кўришлик учун судларга юборилди. Суд бу жиноий ишларни кўриб чиқиб, тегишли ҳукмлар қабул қилди.

2000 йилнинг 9 ойида жиноятчилардан 9271,18 грамм гиёҳвандлик воситалари олинди, шундан 8347,32 грамм героин, 904,86 грамм марихуана, 19,6 грамми опийдир.

- Тўққиз ойда 93 та гиёҳвандлик билан боғлиқ жиноятчи ушланиб, улардан 9271,18 грамм гиёҳвандлик воситалари олинибди. Наҳотки, пул топишнинг, яхши яшашнинг бошқа йўли йўқ бўлса? Бировларнинг ширин ҳаётига оғу сочиб, тубан жиноятга қўл ураётганлар ким, улар нега бу қалтис, қинғир йўлни танлади экан?

- Бизнинг назорат ҳудудимизда гиёҳвандлик моддаларини контрабанда қилиш жиноятлари асосан ҳамдўстлик мамлакатлари фуқаролари томонидан содир этилиб, йилдан-йилга кўпаймоқда. Жорий йилнинг 9 ойи мобайнида Тожикистон Республикасидан 39 та, Россия Федерациясидан 3 та, Ўзбекистондан 4 та, Туркманистон Республикасидан 1 та фуқаро гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш жиноятларини содир этдилар. Мисолларга мурожаат этайлик: 223-"Душанбе-Москва" йўловчи поездининг 1-вагонида келаётган Тожикистон фуқароси Мамадали Холов соғлиги ёмонлашгани сабабли Бухоро-1 бош бекатига туширилиб, тиббий ёрдам кўрсатиш учун Когон шаҳар марказий шифохонасининг жонлантириш бўлимига ётқизилди. Унга тиббий ёрдам кўрсатилиб, ошқозони ювилганда 25 дона цилиндрсимон ўрамларда гиёҳвандлик моддаси чиқди. Ва афсуски, у жонлантириш бўлимида вафот этди. Суд кимёвий экспертизасининг хулосасига кўра, марҳум М.Холовнинг ошқозонидан олинган модда героин бўлиб, унинг соф вазни 191,6 граммга тенг экан. Шунингдек, "Тошкент-Нукус" поездининг йўловчиси Норсултон Гурбановдан 398,8 грамм героин, Ж.Қаюмовадан 25,2 грамм героин топилди. Душанбе шаҳрида туғилган З.Солиев, Россия Федерацияси фуқаролари В.П.Ботин, С.Н.Ботин, В.В.Ботинлар ноқонуний равишда героин олиб кетаётган вақтида ушланиб, уларга нисбатан Ўзбекистон Республикасининг ЖК 25-273-моддаси 5-қисми билан жиноят иши қўзғатилди, тергов ҳаракатлари ўтказилиб, айблов хулосаси билан жиноят иши Бухоро вилоят судига юборилди. Мазкур жиноят иши вилоят суди томонидан кўриб чиқилиб, уларга нисбатан тегишли жазолар тайинланди.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо кўпчиликни ташвишга солаётган ва нега деган саволга жавоб берадиган бўлсак, бунинг бош сабабчиси ҳаёт аталмиш олий туҳфага енгил-елпи қараш, ҳаётнинг мазмун-моҳиятини билмаслик, тушунмасликда деб биламан. Оллоҳ томонидан берилган умрни хор қилмасдан одамдек яшашга не етсин. Бу дунёда орзуларинг тугал бўлса, шунга яраша ҳаракат, ҳалоллик бўлса... Ахир, бу дунёда ҳар ким экканини ўради, деб бежиз айтишмайди-ку. Бировни қақшатиб топилган пул — моддий бойлик буюрармиди. Айниқса, ёшларни бунингдек қора юмушларга тортиш, заҳарлашнинг оқибатларини кўриб турибмиз. Юртбошимиз: "Қинғир йўл билан бойлик орттиришга интилиш, башарти у жамиятнинг ва ҳуқуқий назоратнинг эътиборидан четда қолса, одамларни, айниқса, ҳаётга эндигина қадам қўйиб келаётган ёшларни ёмон йўлга оғдиради, жамият ва давлат учун ёш авлоднинг ахлоқан бузилиши ва юзтубан кетишидан ҳам аянчлироқ, ҳалокатлироқ ҳол борми ўзи?" деб куюниб айтган эдилар. Гиёҳвандликка қарши курашишда биз ана шу дастурга, даъватга амал қиламиз ва суянамиз.

Суҳбатдош: Ражаббой РАУПОВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Қонун ва ижро

ҲАРАКАТ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МАСЪУЛИЯТ

Мамлакатимизда йўлларнинг ҳолатини яхшилашга, автотранспорт воситаларининг бошқарувчилари ва йўловчиларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилингани бунинг далилидир. Мазкур Қонун йўл ҳаракати хавфсизлиги борасида юзага келувчи муносабатларни тартибга солиш, фуқароларнинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкини муҳофаза этишни таъминлаш, уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, шунингдек, атроф-муҳитни ҳимоя этишга қаратилган.

Барча йўл ҳаракати қатнашчилари "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари"га ҳамма вақт риоя этишлари зарур. Бироқ юз бераётган йўл-транспорт ҳодисалари ҳайдовчилар, шунингдек, пиёдалар томонидан қонун-қоида талабларига ҳар доим ҳам амал қилинмаётганидан далолат беради. Буни туман суди мажлисларида кўрилаётган йўл-транспорт ҳодисасига оид ишларнинг бир қадар кўпайганидан ҳам билса бўлади.

Масалан, андижонлик С.Ихтиёров қонунга ҳам, "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари" талабларига ҳам мутлақо амал қилмаган ҳолда 2000 йилнинг 13 феврал куни Пунгон-Наманган йўлида отаси С.Бойназаровга тегишли "Нексия" русумли 17 Д 3102 давлат белгили автомашинасини ишонч қоғози билан бошқариб кетаётиб, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир мажбуриятини бузган, транспортни соатига 120 км тезликда бошқарган. Оқибатда ҳаракат хавфсизлигини таъминлай олмай, автомашина ағдарилади, йўловчилардан Н.Бадалов ва Т.Нурматовлар тан жароҳати олишади. А.Раҳимов эса кўп ўтмай касалхонада вафот этади. Суд тиббий экспертиза хулосасида А.Раҳимов йўл-транспорт ҳодисаси натижасида оғир тан жароҳати олгани қайд қилинган. Ҳайдовчи С.Ихтиёров йўл қоидасини қўпол равишда бузганлиги, ҳайдовчилик масъулиятини ҳис этмаганлиги туфайли бир кишининг ўлимига, икки кишининг эса жароҳатланишига сабабчи бўлган.

Судланувчи С.Ихтиёров суд мажлисида ўзининг айбига иқрор бўлиб, ҳалокат автомашина балони ёрилиб кетганлиги туфайли содир этилганини айтди. Суд унинг баҳонасини асоссиз деб ҳисоблади. Бу ҳодиса катта тезликда кетаётган автомашина орқа балони қаттиқ нарсага кучли босим бисмида кўрсатилган жиноятни содир этгани учун туман суди ҳукми билан 3 йил муддатга автотранспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан ҳамда беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

"Йўл ҳаракати хавфсизлиги тўғрисида"ги Қонунни ва "Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари"ни пухта ўрганиш ва ўз фаолияти даврида уларга сўзсиз амал қилиш фуқаролар, айниқса, барча турдаги автотранспорт воситаларининг ҳайдовчилари учун ҳам қарз, ҳам фарздир. Ҳайдовчи қаерда бўлмасин, албатта, автотранспорт воситасини бошқараётганида масъулиятни чуқур ҳис этиши, техниканы соз сақлаши керак. Ана шунда йўл-транспорт ҳодисаларининг чекланишига ўз ҳиссасини қўшган, энг муҳими эса жиноятнинг олдини олган бўлади. Зеро, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш ҳаммамизнинг бурчимиздир.

Қурбонали КАНАЕВ, Поп тумани судининг раиси

Мусаффо осмон остида



С. ЁДИКОВ олган суратлар.

Бу ажиб дунё

НЕМИСЛАР НИМАДАН ҚЎРҚИШАДИ?

Маълум бўлишича, немисларнинг кўпчилигини тундаги даҳшатли тушлар қийнамоқда. Уйқуда уларни ҳаммадан кўп нималар безовта қилмоқда? Буни аниқлаш мақсадида "Эр плюс Фау" суғурта компанияси мутахассислари сўров ўтказдилар.

Аниқланишича, озиқ-овқат маҳсулотлари, бошқа кундалик эҳтиёж моллари ва ёқилғи нархининг ошиши ҳаммадан кўп тушга кириб, немисларни нотинч қилар экан. Даволаб бўлмайдиган касал билан оғриш ёки пенсияга чиқиш олдидан ногирон бўлиб қолиш хавфи иккинчи ўринда тураркан. Турмуш ўртоғи билан алоқани узиш ёки ажралиб кетиш кейинги ўринларда экан.

ОАВ хабарлари асосида М. АЛЛАЁРОВА тайёрлади

Мавзуга қайтиб

ОРОМИНИ ЙЎҚОТГАН ТАДБИРКОР

Тадбиркор Ором Лапасовнинг ороми йўқолганига икки ярим йил бўлди. Таҳририятга юзлаб хатлар келди. Республикамизнинг турли ҳудудларидан одамлар: "Натижа нима бўлди?", деб сўраб туришди. Биз эса тергов ва суднинг якунини кутдик. Ҳа, улар тугади. Тумандан Олий судгача, вилоятдан Бош прокуратурагача ўз сўзларини айтиб бўлишди. Аммо... тадбиркор Ором Лапасовнинг мулки таланганича қолаверган кўринади. Чунки у яна таҳририятимиз эшигини қоқмоқда.

Унутмаган бўлсангиз, "Инсон ва қонун" газетасининг 1999 йил 2 ноябр сонида танқидий мақола чоп этилган эди. Унда Қашқадарё вилояти "Лапас бобо" хусусий фирмаси раҳбари Ором Лапасов барча ҳужжатларни қонуний расмийлаштирган ҳолда 1998 йил ёзида Россиянинг Кострома шаҳридан 17585 АҚШ доллари қийматидаги товарларни шартнома асосида Қашқадарёга олиб келганлиги, аммо бунгача мазкур фирма ва унинг раҳбарига мутлақо мулкий даъвоси ва алоқаси бўлмаган С.Очилов деган шахснинг вилоят ИИБга ёзиб берган аризаси (?) асосида 1998 йил 27 июлида Ором Лапасов келтираётган юк ортилган машиналар вилоятга кириш чегарасида тўхтатилиб, Қарши шаҳар ИИБга келтирилганлиги, бу ердан товар С.Очилов ҳовлисида туширтирилиб, сўнг турли йўллар билан талон-тарож қилиб юборилганлиги, эгаси бир ярим йил мобайнида югураверіб, ўз мулкини қайтариб ололмасдан сарсон бўлиб юрганлиги битилган эди.

Эслатиб ўтамиз, бунгача муаллиф мулкий муаммосини ҳал қилиб беришни сўраб, деярли барча поғона идоралар "эшигини қоққан", аммо натижа бўлмаган. Аксинча, тадбиркорга тазйиқ кучайган, ҳатто "бу мулк менга тегишли эмас" деб ёздириб олиш даражасига ҳам борішган. Аммо "мол аччиғи — жон аччиғи" деганларидек, О.Лапасов ўз қонуний мулкини талаб қилишдан "чарчамаган". Ҳа, ноқонуний талон-тарож қилинган мулкини, пешона тери ва умидлар билан тўплаган пули — маблағини сўраган, холос.

"Инсон ва қонун" масалани чуқур ўрганиб, юқоридаги мақолани чоп этгач, "харсанг" ўрнидан кескин кўчганлигидан, факт юзасидан тезкор тергов ишлари бошланганидан хабардор эдик. Тергов жараёнида асосий эътибор — муаммонинг ечимига, тадбиркор О.Лапасовнинг "талон қилинган мулки"ни қайтариб олиб беришга қаратилмаганидан ҳам воқиф эдик. Икки нафар "айбдор" топилди: ўша машъум уйдирма аризани битган Суюн Очилов ва шу атрофда "ўралашиб" юрган Парда Якубов. Улар гўё О.Лапасов фирмасининг мулкини фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилиб юборишган эмиш. Бўлса бордир. Бу тергов ва суднинг иши. Иккаласи айбланди, судланди, ҳукм энг юқоригача "кўрилди". Қонуний кучга кирди. Аммо ўнлаб нуфузли ҳуқуқ идораларининг тажрибали юристлари, мутасаддилари қўлидан ўтган иш бўйича ноҳақ жабрланган Ором Лапасовга булардан не ҳожат. Ахир, бу ёши бир жойга етиб қолган тадбиркор фақат "ноҳақ таланган мулкимни қайтаринглар" деб аюханнос солган эди-ку! Газета ҳам кимнидир судлаш, қамаш эмас, "мулкдорнинг мулкий дахлсизлиги давлат, қонун ҳимояси билан кафолатланиши"га алоҳида урғу берган эди, чамаси.

Тўғри, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзганинг мулкини талон-тарож қилганлик учун айбдор аниқланиши ва жазоланиши керак. Лекин биринчи ўринда жабрланган, зарар кўрган фуқаронинг арзу доди, даъволари, кўрган зарари миқдори тўлиқ аниқланиши, ана шу зарарга қараб айбдор айбланиши керак эмасми? Уни ундириш чораси эса биринчи галда...

- Терговда ҳам, судда ҳам, - деб ўз норозилигини билдиради О.Лапасов. Шу иккала судланувчининг ҳар биридан 669 минг сўмдан, жами 1.338 минг сўм атрофида ундириш ҳақида ҳукм эълон қилинди. Менинг даъвоим эса мутлақо бошқача, мана ўзингиз ҳисоблаб кўринг.

Биринчидан, олиб қўйилиб, йўқ қилинган мулкимнинг нархи — 17585 АҚШ доллари миқдорида. Хўш, мен тортган зарарни юқоридаги ундириш суммаси қоплайдими? Ўндан бирининг ҳам ўрнини босмайди. Ўрнимга ҳар ким ўзини қўйиб кўрсин-чи! 1.338 минг сўмга 17585 долларни ким алмаштиради? Менинг ҳисобим бўйича бугунги бозор нархида 13 миллион сўмдан кам бўлмаслиги керак, ахир!

Иккинчидан, 17585 АҚШ доллари миқдоридаги мулкни менинг фирмам тадбиркорлик, яъни фойда кўриш мақсадида олиб келган. Уни камида ўз нархидан 5-6 миллион сўм фойдаси билан сотган бўлар эдим. Демак, менинг шунча миқдорда фойда кўриш эҳтимолидан маҳрум қилишди. Буни ҳисоблаб, даъво қилсам, қонун эгалари эътиборга ҳам олишмади.

Учинчидан, шу товар ўзи келиб қолган эмас, биз фирмамизнинг бир неча аъзоси ойлаб юриб, харажат тортиб, транспорт ёллаб, меҳнат ва вақт сарфлаб, уларни Қашқадарёга келтиргунга қадар ўртача 3000 АҚШ доллари миқдорида сарфиёт кўрдик. Буни ким тўлайди? Ёки бу ҳисобга олинмаслиги керакми? Ҳозирги кунда буни сўмга чақиб кўрайлик-чи! Камида 2,5 млн. сўм бўлади. Нима, изиллаб қолаверайликми?

Тўртинчидан, Россиядан товар келтиришимизда тузилган шартномавий мажбуриятларни, мулк талон қилинганлиги боис бажара олмаганимиз учун Россия тараф бугунгача 1 млн. сўм атрофида жарима тўлашимизни қонуний асосда талаб қилаяпти. Хўш, айбсиз ҳолда бу суммани қаердан тўлайлик? Бунда айбдор бўлганлардан ундирилиши керак эмасми?

Бешинчидан, икки ярим йилдан буён бутун бошли фирмамизнинг фаолияти тўхтаб қолиб, ушбу ноҳақлик изидан югураверіб, ёзавериб тортган жабримизнинг қиймати йўқми? Биздаги ҳисоб-китоблар бу борада камида 15 миллион сўм харажат бўлганлигини кўрсатиб турибди. Қолаверса, соғлигимиз йўқолди, маънавий зарар кўрдик. Нега бирорта поғонада, на терговда, на судда бу ҳақдаги даъвомизни эшитишни хоҳлашмади?

Олтинчидан, мана бугунги кунда божхона маъмурияти Қашқадарёга олиб келган товарим учун, гарчанд у бизга насиб қилмаган бўлса-да, икки ярим йиллик фоизлари билан ярим миллион сўмдан ортиқ бож тўлови талаб қилиб, хўжалик судига берган. Менинг нима айбим борки, "емаган сомсам" учун, бу пулни тўлаши лозим бўлган айбдорлар қолиб, шундоқ ҳам таланганим устига "устамча" бўлса?

Хўш, яна айтаверайми?..

- Етарли чамаси, - дедик Ором акага, - барча даъволарингизда жон бор кўринади, сизни тушуниб турибмиз. Лекин тергов ва судда бирор тушунтириш беришгандир, лоақал?

- Айтишди. "Мана айбдорларни суд қилиб жазоладик. Буёғи сизга қолди. Истаганингизча даъво қўзғатиб судга бераверинг" дейишдан нарига ўтишмади. Янгидан судга берай десам, фалон фоиз миқдорида "пошлина" тўлашни талаб қилишади. Қаердан олай ва нима қилай? Наҳотки...

Ҳа, наҳотки ноҳақ "куйдирилган" хусусий тадбиркорнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш йўлида, қўлга қалам олиб, даъволари асосли-асоссизлигини "ҳисоблаб" чиқадиган ва муаммони мутлоқ бартараф этадиган ноаниқликларга чек қўядиган топилмаса? Саволимиз очиқ қолмаслигига ишонч билан

"Инсон ва қонун" таҳририяти

Нотариуслар ҳаётидан

ХАЛҚҚА ҲАМ, ДАВЛАТГА ҲАМ ФОЙДАМИЗ ТЕГАЯПТИ

дейди шўрчилик хусусий нотариал идораси бошлиғи Бозорбой ПАРДАЕВ

Ўзбекистонимиз ўз миллий мустақиллигига эришгандан буён эркин ва озод равишда жамиятнинг барча жабҳаларини янгилашга, бутун бошли соҳаларни тубдан ислоҳ қилишга жадал киришди. Бунга атрофимизда кечаётган кундалик жараёнлар гувоҳ.

Ана шу воқеликлар орасида мутлоқ янги институтлар, хизматлар тури пайдо бўлиши юртимизда демократик жараёнлар кечаётганлиги, фаолиятларни эркинлаштириш орқали ташаббус кўрсатишга имкониятлар яратилаётганлиги эътиборга моликдир.

Улардан бири Ўзбекистон Республикасининг "Нотариат тўғрисида"ги Қонуни қабул қилиниши ва мутлақо янги институт - хусусий нотариал идоралари тизими ташкил этилиши ҳамда фаолият кўрсатиб бошлаганидир.

Янги Қонун ва у яратган имкониятлардан фойдаланиб, ташаббускорлик билан фаолият кўрсатаётган хусусий нотариал идоралардан бири — Сурхондарё вилоятининг Шўрчи туманида жойлашган.

Унинг бошлиғи — Бозор Пардаев собиқ милиция капитани. 1951 йилда Шўрчи туманида туғилган. 1977 йилда Тошкент Олий милиция мактабини тугаллаган ҳуқуқшунос. Шу йилдан бошлаб Сурхондарё вилоятининг қатор туманларида жиноят-қидирув инспектори, бош инспектори, ички ишлар бўлимларида терговчи, бош терговчи бўлган. 1993 йилда нафақага чиққан. Аммо жўшқин ҳаётдан узилиб, бекор ўтиришни ўзига эп кўрмаганлардан. Шу боис Б.Пардаев ҳали жамиятга фойдаси тегадиган ишларга қодир эканлигини ҳис этиб, ҳуқуқшуносликнинг янги соҳасини эгаллашга дадил киришди. 1994 йилдан Олтинсой, 1995 йилдан Қумқўрғон туман давлат нотариал идораларини бошқарди. 1-даражали ҳуқуқшунос унвонига эга бўлди. Мана бир йилдан ошибдики, янги Қонун берган имкониятлар таъсирида Шўрчи шаҳри марказида хусусий нотариал идорасини очди, унинг фаолиятини ташкил этди ва ишга киришди.

- Мустақиллик туфайли вужудга келган янгича ҳаёт, янгича турмуш ва ўз қонунларимиз мутлақо янгичасига ёндошув ва меҳнатни тақозо этди, - дейди Б. Пардаев суҳбатда. - Жумладан, юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги муносабатларни ҳуқуқий расмийлаштиришда нотариал хизматни тўғри ва аҳоли учун қулай тарзда пухта ўйланган ҳолда ташкил этиш зарур эди. 1997 йил 1 мартидан кучга кирган "Нотариат тўғрисида"ги Қонун шу боисдан ҳам аҳамиятли ва қўл келадиган ҳужжат бўлди. Энг муҳими, унинг биз учун мутлоқ янги институт эканлигида эди. Мустақиллигимизга қадар хусусий нотариус ҳақида ҳатто тасаввурга ҳам эга эмас эдик.

Тўғри, хусусий нотариуслик институти ўзига хос — янги ҳаётимиз тарзини ўзида мужассам этди. Унда халқимизнинг миллий ўзига хослигидан тортиб, кундалик ҳаётимизни жаҳон андозаларига мос юритишгача ҳолатлар акс этди. Айниқса, мулкчилик шаклида юз берган ўзгаришлар, иқтисодий ислоҳотлар боришида мижозларга қулай ва юқори малакали нотариал хизмат кўрсатиш давр талаби эди. Ҳа, тез ва соз, юқори савияли хизмат...

- Дастлабки иш бошлаганимизда, - сўзида давом этади Б.Пардаев, - аҳоли ҳали хусусий нотариус ҳақида деярли тасаввурга ҳам эга эмаслигининг гувоҳи бўлдик. Халқ орасига чиқдик. Хўжалик ва корхоналарга, меҳнат ва ўқув жамоаларига бордик. Савол-жавоб давралари ташкил этдик. Барча минбарлардан "Нотариат тўғрисида"ги Қонунни тарғиб қилиш ва тушунтириш мақсадида фойдаланишга уриндик. Аҳолини нотариатга, жумладан, хусусий нотариал идораларига мурожаат қилишига қизиқиш уйғотдик. Бу ҳуқуқий муносабатнинг моҳияти ва оқибатигача одамлар онгига сингдира билдик. Фуқарога имкон қадар қулай шароит яратиш устида ишлай бошладик.

Тадбирларимиз бесамар кетмади. Одамлар даргоҳимизга оқиб кела бошлади. Натижалар ҳам ёмон эмас: илгари туманларда фаолият кўрсатган давлат нотариал идоралари ҳар ярим йилда амалга оширадиган хизмат ва давлат хазинасига туширадиган пул маблағларни, биз бугунги кунда бир ойда эплаяпмиз. Бундан ўз ишларимизни ҳам ўнглаб олаяпмиз, халққа ҳам, давлатга ҳам катта фойда келаяпти. Аҳоли автоулов, уй-жой олди-сотдиси, қарз, мерос ва бошқа кўплаб шартномавий муносабатларини, ҳужжатлар нусхаларини тасдиқлатиб олишни сўраб, истаган пайтида келадиган ва малакали хизмат оладиган бўлиб қолди.

- Ҳар ойда давлат бюджетига қўшаётган ҳиссамиз ўртача бир миллион сўм атрофида, - дейди хусусий нотариус, - жорий йилнинг ўтган 9 ойида бу рақам 8 миллион сўмдан ошиб кетди.

Бозор Пардаев тушаётган пул-маблағ миқдори ва кўрсаткичларни эмас, аҳолига, халққа, мижозларга намунали ва қулай нотариал хизмати кўрсатиш муҳим эканлигига алоҳида урғу беради.

"Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

КЕЛГУСИ СОНДА:

Бутун жаҳонда Багрикенглик байрам қилинди

(Боши 1-бетда)

Маълумки, пенсия тўловларига кетадиган харажат вилоят пенсия жамғармаси бўлинмаси ва жойлардаги туман, шаҳар пенсия бўлимлари томонидан йиғилади. Бугунгача пенсия жамғармасига 10985 та корхона, ташкилот, хўжаликлар рўйхатга олинган. Шу йилнинг 9 ойи мобайнида суғурта бадалларини йиғиш режаси 92,1 фоизга бажарилди. Қарздорлик пенсия тўловларини ўз муддатида мослаштириш ва тўлашни қийинлаштиради. Аниқ айтадиган бўлсам, 2000 йилнинг 1 октябр ҳолатидаги қарздорлик миқдори 8,1 млрд. сўмни ташкил қилади, шу жумладан:

"Ўзбекнефтгазхолдинг" компанияси — 614,5 млн. сўм, қишлоқ ва сув хўжалиги тизими — 5015,1 млн. сўм, сув қурилиши соҳаси — 243,9 млн. сўм, пахта саноати соҳаси — 38,5 млн. сўм. Шунга қарамай, биз бу муаммони биргалашиб ечиш йўлларини излаяпмиз.

- Саид ака, савобга яқин юриш, савобдан умидвор кишилар, ташкилотларнинг бўлиши табиий, албатта. Умрни оқар сувга қиёслашади. Ҳар кимнинг ҳам қариши бор ёки бировнинг моддий, маънавий ёрдамига муҳтожлик дегандай. Шу маънода ҳомийлик ва ҳомий ташкилотларнинг ёрдами ҳақида сўзлашсак.

- Менимча, савоб, ёрдам, қарилик, ёлғизлик деган тушунчаларни тушунмаслик ёки булардан узоқда туриш ҳаётнинг маъносини англамаслик дегани. Оллоҳга шукрки, кўпчилик фуқароларимизнинг қалби эзгуликка, бировга яхшилик қилишга мойил. Вилоятимизда ҳар йили Наврўз, Қурбон ҳайити, Халқаро қариялар ва ногиронлар куни муносабати билан қатор хайрия тадбирлари ўтказилади. Бошқарма вилоят "Нуроний" жамғармаси, Ногиронлар жамияти, "Болалар" жамғармаси, жойлардаги ҳокимликлар ҳамкорлигида, ташкилотлар, жамоа хўжаликлари ҳомийлигида 18812 нафар кам таъминланган пенсионерларга 19.486986 сўмлик, шу жумладан, уруш ногиронлари ва қатнашчиларига 11.824078 сўмлик озиқ-овқат, кийим-кечак ва пул шаклида моддий ёрдам берилди. Шунингдек, 821 нафар пенсионер дам олиш ва сиҳатгоҳларга йўлланмалар билан, 40 нафар киши ҳаракат воситалари, 44 нафар киши эшитиш мосламалари ва 462 нафари протез ортопедия буюмлари билан бепул таъминландилар.

Агар жиддийроқ ўйлаб қарасангиз, бировга ўз вақтида кўрсатилган кичкина ёрдамни баҳолаш, ўлчаш жуда мушкул, айтмоқчиманки, баҳоси йўқ. Юқорида санаганимиз, ҳар бир рақамнинг ортида минглаб ёрдамга муҳтож, кўнгли ярим, якка-ёлғиз қарияларимизнинг хурсандчилиги, кўнгил бутлиги ётади. Ўзгалар парваришига муҳтож якка-ёлғизлардан 661 нафарига 129 нафар ижтимоий хизмат кўрсатиш ходимлари хизмат қилади. Уларнинг барчаси ҳукуматимиз томонидан белгиланган имтиёзлардан тўлиқ фойдаланиб келмоқдалар. Шунингдек, 520-сонли Қарорнинг ижросини таъминлаш мақсадида вилоят бўйича ўтган 9 ой мобайнида 745 нафар ёлғиз кексалар аниқланиб, рўйхатга олинди. Улардан 357 нафарига ижтимоий таъминот, Қизил ярим ой жамияти ва Меҳнат бўлими ходимлари хизмат кўрсатмоқдалар. Ҳудудий бўлимларимизда ҳомийлар маблағини жалб этиш орқали 152 нафар ёлғиз кексалар оила ҳомийлигига олиниб, уларга қўшимча ижтимоий ва моддий ёрдам кўрсатилаяпти.

- Вилоятдаги Мурувват уйларининг бугунги талаби ва ҳолати қандай?

- Эркаклар ва аёллар учун 810 ўринга мўлжалланган 3 та мурувват уйлари мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда 690 нафар ногиронлар ушбу жойларда давлат қарамоғида яшайди. Жорий йилнинг 9 ойида ушбу уйларни сақлаш учун маҳаллий бюджетдан 100,8 млн. сўм маблағ молиялаштирилди, шу жумладан, Бухоро шаҳар аёллар Мурувват уйи — 35,3 млн. сўм, Бухоро шаҳар эркаклар Мурувват уйи — 29,5 млн. сўм, Қоракўл туман эркаклар Мурувват уйи — 36,0 млн. сўм. Мавжуд учала Мурувват уйлари ҳам кузги-қишки мавсумга тайёрлаб қўйилди, тегишли ҳажмда озиқ-овқат заҳиралари билан таъминланди.

Вилоят ҳокимининг шу йил 12 апрелдаги қарорига асосан Бухоро шаҳар аёллар Мурувват уйи тубдан таъмирланди. Бу мақсадлар учун бюджет ҳисобидан 8,0 млн. сўм сарфланган бўлса, қолган 12,8 млн. сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари ҳомийлар маблағи эвзига амалга оширилди. Бундан ташқари, ҳомийлар ҳисобидан 250 дона чойшаб, 250 дона кўрпа-тўшак, 100 дона рўмол совға қилинди ва қишки кийим-бош олиш учун 450 минг сўм пул ажратилди.

821 нафар муҳтож ногирон ва пенсионерлар 7,9 млн. сўмлик йўлланма билан таъминландилар. Бунга ҳомийларнинг ҳам улуши бор.

Албатта, иш фаолиятимизда муаммо ва камчиликлар ҳам йўқ эмас. Кўрсатилаётган ижтимоий хизмат сифатини ва маданиятини оширишда янгиликлар излаяпмиз. Мавжуд учта Мурувват уйларини меъёрга асосан озиқ-овқат, кийим-кечак, дори-дармон билан таъминлашда қийинчиликлар сезилади. Буни ҳал қилишда ҳомий ташкилотларнинг кучи етмайди, шунинг учун вилоят ҳокимлиги билан биргаликда ва уларнинг ёрдамига таянган ҳолда муаммоларимизни ечиш чораларини излаяпмиз.

- Саид ака, одатда биз мухбирлар рақамлардан қочишга ҳаракат қиламиз, кўпинча уларни айланиб ўтишга ҳаракат қиламиз. Аммо Сиз тилга олган рақамларни тоқат билан эшитиб шундай хулосага келдимки, ижтимоий таъминот соҳасини рақамларсиз тушуниш мумкин эмас экан. Баъзида ўйлаб қоласан, умрида Мурувват уйларини бориб кўрмаган ёки бирор ёлғиз қарияга мадад беролмаган, ҳатто бағритош фарзандларнинг борлиги кишини чуқур ўйлатиб қўяди.

- Ҳа, бундайлар анчамунча. Ахир, беҳудага айтишмайдики, инсон умрини безайдиган, кўнглига ёруғлик соладиган нарса - бу яхшилик, бировларга ёрдам, меҳр улашиш. Шундай экан, савобли ишдан қочмай, унга яқинроқ юрайлик. Бугуннинг эртаси бор, деганларидек, савобдан — савоб,яхшиликдан — яхшилик унади.

Суҳбатдош: Р. АШУРОВ, "Инсон ва қонун"нинг махсус мухбири

Ижтимоий ҳимоя

ЯХШИЛИКДАН ЯХШИЛИК УНАДИ

Кексалар дуога қўл очганда серфарзанд, сердавлат бўлинглар, дейишлари бежиз эмас, албатта. Илк фарзандининг "инга-инга"сини эшитган онадан бахтлироқ инсон бормикан бу дунёда. Суҳбатдошим ана шундай бахтли лаҳзаларнинг гувоҳи. У узоқ йиллардан буён бахтиёр оналарнинг хизматида. 3-туғруқхона бош шифокори Умидахон ФАЙЗИЕВА оналик ва болаликни ҳимоялаш хусусида шундай ҳикоя қилади.

- Маълумки, мамлакатимизда оналик ва болаликни ҳимоялаш борасида давлатимиз томонидан хайрли тадбирлар амалга оширилмоқда. Шундай экан, аввало она ўзи ва боласининг соғлигига эътибор бериши зарур. Акс ҳолда барча уринишлар беҳуда кетади. Бефарқлик ҳатто ҳалокатни бошлаб келиши мумкин.

Қиз болани гўдаклик чоғиданоқ оналикка тайёрлаш лозим. Уларга иссиқ ич кийимлар кийгизиш, зах жойларга ўтиришига йўл қўймаслик, ички аъзоларни пок тутишни тез-тез таъкидлаш ва кузатиб бориш керак. Совуқ сувда чўмилмасликлари, қишли-қировли кунларда кўчага енгил-елпи кийинишларига йўл қўймаслик лозим. Қиз бола турмушга чиққач, болаликдаги эътиборсизликнинг асорати кўнгилсиз оқибатларга олиб келади, яъни фарзанд кўрмаслиги мумкин.

Қизлари улғаяётган баъзи оналарнинг ўй-хаёли фақат мол йиғиш, сарпо қилиш, мебеллар олиш, бойу бадавлат куёв топишу данғиллама тўй қилишда бўлади. Улар орзуларини рўёбга чиқариш учун не қўйларга тушмайдилар дейсиз. Аммо энг керакли, энг зарур муаммоларни четга суриб қўядилар. Яқин қариндош-уруғларининг ўғилларини кўз остига оладилар. Кўп йиллик тажрибамдан амин бўлдимки, опа-сингил қуда бўлганларнинг фарзандлари ақлан заиф, баъзи бири яримжон, ногирон туғилади ёки 10-15 йиллаб фарзандсиз ўтадилар.

Ана шундай нохуш ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида талаба-қизлар, келинчаклар билан ўқув юртларида, маҳаллаларда "Оналикка тайёрлаш" мавзуида давра суҳбатлари ўтказиб турамиз. Шундай уринишларимиз таъсирими, кейинги пайтда туғруқхонамизда асоратли туғилиш 10 фоизга камайди. Оналар ўлими деярли ҳисобга олинмади, болалар ўлими ҳам анча қисқарди. Иложи борича жарроҳлик амалиётидан воз кечиб, табиий жараёнларга ўтишга ҳаракат қилаяпмиз.

Болаларнинг туғилиш ҳақидаги гувоҳномасига гўдак парваришлашга оид китобча ҳам қўшиб бераяпмиз. Чунки соғ туғилган бола нотўғри парваришлаш оқибатида дардга чалиниши мумкин. Қоматим бузилади, вақтим бўлмаяпти, деган баҳоналар билан сунъий сутга ўргатиб, болани нимжон қилиб қўйиш ҳам ҳеч гапмас. Она сутининг томчиси тилладан аъло. Бола она сутига тўйиб ўсиши керак. Она сути орқали болага олам-олам қувонч, куч, меҳр ўтади. Ҳаётга, ўзи яшаган гўшага, Ватанга меҳр туйғулари гўдакка сут орқали сингади.

Поликлиникаларимиз қошида фаолият кўрсатаётган маслаҳатхоналар аёлларга бола парвариши борасида ёрдам —йўриқлар кўрсатишмоқда.

Хуллас, аёлларга айтадиган сўзим: сиз ўз қадрингизни ҳар ерда юксак қўйинг. Ўзингизни, фарзандларингизни асранг. Жисмонан соғлом, диёнатли, иймонли, ўзингиз ва элингизни ардоқлаб, юртни севувчи фарзандларни вояга етказинг.

Суҳбатдош: Арофат ОРТИҚОВА

Суратларда: 1. Бош шифокор Умида Файзиева. 2. Шифокорлар Дилбар Расулова ва Раъно Атабоевалар бўлажак она ҳузурида. 3. Шифокорлар Гулхумор Аҳмаджонова, Дилдора Қорабоевалар "янги меҳмон" билан.

Шавкат АКРОМОВ олган суратлар

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН

Адлия вазирлиги жамоаси Жамоа бирлашмалари бўйича бошқарма назорат-таҳлил бўлими бошлиғи Наргиза Маҳкамованинг умр йўлдоши Рустам МАҲКАМОВнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ

Бош муҳаррир Файзулла ҚИЛИЧЕВ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ
Ғайбулло РАҲИМОВ
Парахат АЙТНИЁЗОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Шавкатжон МАВЛОНОВ
Аслиддин БОЛИЕВ
Абдил ТЎХТАШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Сирожиддин РАУПОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари)
Узоқ БОЗОРОВ
Шуҳрат РЎЗИНАЗАРОВ
Тўхтамурод ҲАСАНБОЕВ
(масъул котиб)
Миршоҳид МИРҲАМИДОВ
Нормейли НОРПЎЛАТОВ

Индекс: 646882
«ИНСОН ВА ҚОНУН»газетаси таҳририятида саҳифаланди. А-2 бичимда, 2 босма табоқ ҳажмида, офсет усули билан «ШАРҚ» нашриёт матбаа концерни босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси 41-уй. Буюртма Г-945 Тиражи-10.000. Босишга топшириш вақти 21.00 Босишга топширилди 20.00

Навбатчи: Р. САИДОВ
Компьютерда оригинал макет тайёрловчи: М.БЕРЕЗИКОВ
Компьютерда матн терувчи: М. ДЎСТОВА

700047, Тошкент шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси 1. Тел: 133-24-44, 132-14-18.
«Инсон ва қонун» газетаси 1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141- сон билан рўйхатдан ўтган.